O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 16 февраль, № 32 (3831) Пайшанба



Шу кунларда Қарши шаҳрига ташриф буюрган киши улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади. Сабаби — ўзининг 2700 йиллик тўйи ҳамда республика ўқувчи-ёшларининг "Умид ниҳоллари-2006" спорт мусобақаларига тайёргарлик асосида бу қадимий ва навқирон шаҳар янада кўркамлашмоқда.

КАТТА ТЎЙ ВА ТАНТАНА ТАРАДДУДИ



Хусусан, спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган ўйингоҳлар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Шу билан бирга, шаҳарда навбатдаги спорт иншоотлари қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Жумладан, ўз бағрига 20 минг томошабинни сиғдира оладиган марказий спорт стадиони ҳамда жаҳон андозалари даражасидаги 300 ишқибозга мўлжалланган ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши якунловчи паллага кирди. Ушбу ҳашаматли ва муҳташам иншоотлар қурилишида қашқадарёликлар билан бир қаторда Хоразм, Бухоро ва Тошкент вилоятларидан келган тажрибали қурувчилар ҳам сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: Қарши шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Маърифат соати

9 февралда халқимиз буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллигини зўр эҳтиром билан нишонлади. Бу улуғ сиймо чиндан ҳам чексиз меҳр-муҳаббат ва эътирофга лойиқдир. У асарларида одамзодни тирикликнинг гултожи сифатида улуғлади. Айни пайтда инсоният тараққиётининг муаммоларидан ҳам асло кўз юммади. Бундай муаммолар уни чуқур ўйлантирди, изтиробга солди.

КЕНГГА — КЕНГ ДУНЁ...

Шу ўринда улуғ шоирнинг лоақал қуйидаги машҳур байтини яна бир карра эслайлик:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизга
ким, эрур ёрлиғ иш.

Навоий Ер юзидаги турли миллатлар ва элатларни ўзаро иноқ, тотув, ҳамжиҳатликда яшашга даъват этмоқда. Қарангки, бугун одамзод айнан ана шундай огоҳлантиришга, ана шундай олийжаноб даъватга яна эҳтиёж сезиб турибди. Буюк шоирнинг халқлар, турли динлар ўртасидаги ўзаро душманликни бас қилиб, «ёрлиғ» — ўзаро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишга қилган даъвати айни кунларда ҳар биримизга буюк бир неъматдай бўлиб туюлмоқда.

Алишер Навоий — тенгсиз миллий даҳо. Биз Навоийда, унинг сўзида, тафаккурида, қувончию ситамларида, орзу ва мақсадларида ўзимизни кўрамиз. Жумладан, шоир олам аҳлига мурожаат қилиб, уни бирдамликка даъват этар экан, бу ғоя халқимизнинг азалдан қон-қонида мавжудлиги, аждодлардан авлодларга маънавий эътиқоддай ўтиб келаётганлиги ҳаммамизга маълумдир. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистонда 130 га яқин миллат ва элатнинг вакиллари яшаяпти. Уларнинг барчаси учун Ўзбекистон умумий уй, муқаддас бешик, она Ватан! Ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатликда яшаб, ягона мақсад — Ватан равнақи йўлида турли миллат ва элат вакилларининг қўлни-қўлга бериб меҳнат қилиши — Мустақил Ўзбекистон турмуш тарзини белгиловчи тамойиллардандир. Бундай турмуш тарзининг ҳуқуқий асослари эса мамлакатимиз Конституциясида муҳрлаб қўйилган. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик — миллий истиқлол мафкурамизнинг устувор ғояларидан биридир.

Миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик бор жойда ҳаёт гуллаб-яшнайди, жамият ривожланади. Қаердаки бундай ғоянинг аҳамияти тушуниб етилмаса, у ерда тинчлик, барқарорлик издан чиқади.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ҳамма гап бирликда, тотувликда, якдилликда эканлигини чуқур англаб етган халқдир. Бу ҳар бир ҳолатда кўзга ташланиб туради. Чунончи, жаҳон спорти марраларида оламшумул ютуқларни қўлга киритган ва киритаётган Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян, Руслан Чагаев, Ольга Чусовитина, Ирода Тўлагановалар турли миллатларнинг фарзандларидир. Аммо уларнинг спортда эришган ютуқларидан бутун халқимиз бараварига қувонади ва фахрланади.

Ёки мустақиллик даврида Ўзбекистон тараққиёти учун фидойиларча ишлаб, меҳнатда катта ютуқларга эришиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонига сазовор бўлган, Ватанимизнинг бошқа унвонлари, шарафли орден ва медаллари билан мукофотланган ажойиб ватандошларимиз орасида қанчаданқанча бошқа миллат вакиллари бор. Улар — ҳаммамизнинг умумий фахримиз ва ғуруримиздир.

Миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан яна бири — турли миллий, диний ва маънавий эътиқодлар эркинлигини таъминлаш, уларнинг дахлсизлигини кафолатлашдан иборатдир. Масалан, бугун Ўзбекистонда 20га яқин конфессияларга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ватанимиз Конституциясида ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топган.

Конституциямиздаги қоидалар бежизга: «Ҳар бир шахс», «Ҳар бир инсон», «Ҳар ким» деган иборалар билан бошланмайди. Бу дегани, мамлакатимиз фуқароларининг ҳар бири Конституция олдида бир хил даражада қадрлидир. Бугун, масалан, Ўзбекистонда мавжуд 8671 та ўзбек тилидаги умумтаълим мактаби билан бир қаторда қорақалпоқ тилида 375 та, рус тилида 215 та, қирғиз тилида 64 та, туркман тилида 47 та мактаб қизғин маърифий фаолият олиб бормоқда ҳамда улар ўша миллий тиллардаги дарсликлар билан тўла таъминланмоқда. Мамлакатимизда юқорида санаб ўтилган миллий тилларда ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳам ташкил этилган. Олий таълим муассасаларига қабул қилиш талаб-қоидалари олдида эса ҳамма бирдай баробар: барча абитуриент ёшлардан фақат билим ва салоҳият талаб қилинади.

Халқимизда «Кенгга — кенг дунё, торга — тор дунё» деган мақол бор. Ушбу мақолда ҳам миллатимиз дунёқараши ўзига хос тарзда жилоланиб турибди. Бағримиз кенглиги учун ҳам республикамизда 26 миллионга яқин турли миллат ва элатларга мансуб аҳоли оға-инилардай тотув, ҳамкору ҳамдўстликда умргузаронлик қилмоқда. Бирлашган — ўзади. Турли миллатлар, элатлар ҳамда диний эътиқодларга мансуб халқнинг муштарак орзу-интилишлар йўлидаги якдиллиги, жипслиги Ўзбекистонимизнинг истиқболини ҳам мунаввар этади, унинг обод, фаровон бўлиши ва қудратли давлатлар қаторидан ўрин олишини, шак-шубҳасиз, кафолатлайди.

Михли САФАРОВ.

ИЖОБИЙ ҚАРАШ ВА БАҲОЛАР КУЧАЙМОҚДА

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2005 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши аҳоли томонидан қандай баҳоланаётгани, шунингдек, республикамизнинг асосий сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий институтларига одамларимизнинг муносабатини аниқлаш мақсадида ижтимоий тадқиқот ўтказди. Сўровда юртимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қиладиган фуқаролар, шаҳар ва қишлоқ аҳли, эркаклар ва хотин-қизлар, маълумоти, миллати, ижтимоий аҳволи, ёши турлича бўлган кишилар иштирок этди.

Шуни айтиш керакки, 1998-2005 йиллардаги сўровларнинг қиёсий натижалари аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ижобий баҳолаш ҳолатлари барқарор кучайиб бораётганидан дарак беради. Масалан, 1998 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволини сўровда қатнашганларнинг 81,6 фоизи ижобий баҳолаган бўлса, 2005 йилда эса бу кўрсаткич 86,7 фоизга етди. Бунда уларнинг аксарияти ислоҳотлар бир маромда, изчил амалга оширилмоқда, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият барқарорлиги билан ажралиб туради, деб ҳисоблайди.

Фуқароларнинг фикрича, заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг сақлаб келинаётгани Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқларидан биридир. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширилаётгани, "шок терапияси" моделидан воз кечиш ва миллий ҳамда демографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсат юритилаётгани ҳам ижобий баҳоларнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Фуқаролар давлат сиёсати халқ манфаатига жавоб беради, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун самарали чоралар кўрилмоқда, деб ҳисоблайди.

Сўровда иштирок этганларнинг Президент Ислом Каримовга билдирган ишончининг юқорилиги давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳолининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради. Ўзбекистон халқи ўзи сайлаган Президент сиймосида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг асосий кафолатини кўради, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги ишларнинг муваффақиятига тўлиқ ишонади.

Аҳолининг аксарияти (94,6 фоизи) мамлакатимиз Президенти олиб бораётган ташқи сиёсатни, жумладан, Ўзбекистон ва Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг тузилганини, шунингдек, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилганини қўллаб-қувватлайди.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар оилалар фаровонлигининг ошишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Сўровда иштирок этганларнинг 68,7 фоизи шундай фикрда. Тадқиқотлар натижалари юртдошларимизнинг барқарорликка хизмат қиладиган салоҳияти янада мустаҳкамланганидан далолат берди. Бу эса, ўрта синфнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосига айланиши мумкин.

Фуқароларимиз мамлакатда кичик бизнес ва фермерликни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароит шаклланмоқда, деб ҳисоблайди. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти томонидан Ўзбекистонда иқтисодиёт хусусий тармоғининг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилганига билдирилаётган ишонч бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Юртдошларимизнинг фикрича, 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳомийлик ҳаракатини кучайтириш ва бундай ёрдамнинг аҳамияти оширилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сўровда иштирок этганларнинг 84,7 фоизи эҳтиёжманд оилалар бундай моддий ёрдамни ҳозирча асосан давлатдан олмоқда, деб ҳисоблайди.

Умуман, ўтказилган тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, 2005 йил Ўзбекистон аҳли учун баракали йил бўлди ва бу жамият аҳволининг барқарорлигидан дарак беради.

Шунингдек, республика раҳбариятининг аниқ мақсадли ва ижтимоий йўналтирилган сиёсати ҳам мамлакатимиздаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги ушбу стратегияни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, унинг ижтимоий самарасини ошириш учун бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблайди. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида истиқболда юз берадиган туб ўзгаришлар ва бу жараёнда фуқаролар иштирокини фаоллаштириш учун кучли омил бўлиб хизмат қилади.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари бўйича ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.

Паркент туманида Президентимизнинг шу йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Фермер – боғ соҳиби

Унда мутахассислар йиғилганларга мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этишда боғ ва узумзорларни асосий восита сифатида талабгорларга ёпиқ «Кимошди» (аукцион) савдолари орқали сотиш тартиб-қоидаларини батафсил тушунтириб беришди.

Республика Кўчмас мулк биржаси қошидаги "Ko"chmas mulk axborot markazi" томонидан тайёрланган меъёрий ҳужжатлар тўплами қайта ташкил этиш комиссияси раислари ҳамда бошқа масъул шахсларга тақдим этилди.

Анжуманда, шунингдек, қайта ташкил этиш комиссияси раислари, туманда тугатилаётган 11 та ширкат хўжалиги раҳбари ва аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Республика Кўчмас мулк биржаси ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги семинар Наманган вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Фарғона вилоятида жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ролини кучайтириш ва фаолиятларини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Унда сўзга чиққанлар вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда профилактика инспекторлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада яхшилашга доир муайян ишлар олиб борилаётганини қайд этди.

Лекин бу борада имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Зеро, профилактика инспектори ҳар қачон ва ҳар қандай вазиятда одамларга ёрдам беришга шай туриши, ўзи иш олиб борадиган ҳудуд аҳолиси билан ҳамдам ва ҳамнафас бўлиши лозим.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш.Нурматов қатнашди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

Ислоҳот одимлари

Президент маърузасини тинглаб

ВАЗИФАЛАР АНИҚ, ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузаси барча давлат органлари, ташкилот, идора, маҳаллалар, қолаверса, юртдошларимиз томонидан кенг муҳокама этилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Маърузанинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида ушбу мажлисда қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фикрлари билан қизиқдик.

Нурдинжон ИСМОИЛОВ, *Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:*

— Президентимиз ўз маърузасида суд тизимининг чинакам мустақил бўлиши, уни янада либераллаштириш ислоҳотларнинг самарадорлигида муҳим омил эканига алоҳида урғу берди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, қонун асосида ишлаш иқтисодиёт ривожида муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, маърузада тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари кўндаланг қўйилди. Шу билан бирга, Юртбошимиз биз, депутатлар олдига тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, хусусан, «Божхона кодекси»ни қайта кўриб чиқиш вазифасини юклади.

Вазифалар аниқ, уларни бажариш учун имкониятлар ҳам етарли. Шу боис депутатлар, ўз навбатида, ушбу устувор йўналишлар бўйича ҳуқуқий базани такомиллаштириш ишларини янада жадаллаштириши ва парламент назорати имкониятларидан кенгроқ фойдаланишлари лозим.

Улуғбек ВАФОЕВ, *Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари:*

— Ушбу мажлис энди тажриба орттираётган депутат сифатида менда жуда катта таассурот қолдирди. Президентимиз маърузасида ўтган йилда қўлга киритган ютуқларимиз, иқтисодиётимизда эришилган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапирди. Дарҳақиқат, буларнинг бари мамлакатимизда оқилона иқтисодий сиёсат олиб борилганининг мевасидир. Шу билан бирга, маърузада йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди ва мутасаддди раҳбарлардан буларнинг сабаблари қатъий сўралди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бозорларимиз сифатли истеъмол моллари билан тўлдирилди. Энди фуқароларнинг харид имкониятларини ошириш масаласи қўйилмоқда. Бундан ташқари, мажлисда фуқароларимизнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда аҳолини иш билан банд қилиш муаммолари кўтарилди. Дарҳақиқат, жамиятда кўп йиллатлар ишсизлик туфайли келиб чиқади. Муҳтожлар кўпайиши, ёшларнинг турли оқимларга кириб кетишига ҳам ана шу иллат сабабдир. Президентимиз айнан ана шу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида кичик саноат корхоналари яратиш масаласини ўртага ташлади. Шу боис бандлик, молиявий кредитлар ажратиш каби йўналишлардаги ҳуқуқий асосларни имкони борича тезроқ яратиш, менимча, депутатлар олдида турган энг долзарб масаладир.

Клара ЖУМАМУРАТОВА, *Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси:*

— Мен бундай нуфузли мажлисда илк бор қатнашдим. Таассуротларим оламолам. Ўзим кўп йиллар мобайнида тадбиркорлик қилганман. Шу нуқтаи назардан, Юртбошимиз маърузасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида сўз юритганида, очиғи, тўлқинланиб кетдим. Ўзингиз ўйланг: тадбиркорларни рўйхатга олишнинг соддалаштирилиши, қоғозбозликнинг камайиши соҳа ривожига катта туртки бўлмайдими? Албатта, бўлғуси тадбиркор молиявий сабаблар туфайли иш бошлай олмаётган бўлиши мумкин. Ҳукумат ушбу масалани ҳам ўрганиб, бундайларга бошланғич капитал бериш ва микрокредитлар билан таъминлайдиган янги банклар ташкил қилишни кўзда тутаётгани ҳам қувонарлидир.

Шунингдек, маърузада уй-жой-коммунал хўжалигига ҳам алоҳида урғу берилди. Бу эса давлатимиз фуқароларнинг ўз уй-жойларининг ҳақиқий эгаси бўлиши, уларнинг коммунал соҳага бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига катта эътибор қаратаётганидан далолатдир. Демак, уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисидаги қонун ва соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тезроқ ишлаб чиқиб, қабул қилиш олдимизда турган муҳим вазифа, деб биламан.

Назаримда, маъруза моҳиятини кенгроқ тарғиб қилиш, унинг аҳамиятини ҳар бир фуқарога етказиш борасида ҳам жиддий ишлаш керак. Мен Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси сифатида жойлардаги бўлимлар орқали ана шу ишларни жадаллаштириш ҳақида ЎзЛиДеп Марказий кенгашига таклиф киритмоқчиман.

Салим ДОНИЁРОВ ёзиб олди.

Касаначиликка эътибор

Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг мақсад ҳамда моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, ижросини таъминлаш борасидаги вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда саноат корхоналари раҳбарлари, туман ва шаҳарлар меҳнат бўлимлари бошлиқлари, тадбиркорлар, мутахассислар ҳамда касаначилар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари ушбу Фармон ижроси касаначиликни ривожлантиришда ва аҳолини иш билан таъминлашда янги имкониятларни ишга солишини таъкидладилар. Тадбирда, шунингдек, бу борада жойларда ташкил этилган махсус ҳудудий ишчи комиссиялари ишини жонлантириш, мавжуд захира ва имкониятларни аниқлаш, ишловчиларга шароит яратиш ҳамда ўз вақтида ҳақ тўлашни йўлга қўйиш масалалари ҳақида келишиб олинди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифатли уруғ — мўл ҳосил гарови

Деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Улардан энг асосийси, сифатли ва сара уруғ танланишидир. Уруғ танлашда адашмаган деҳқон пировардида ҳосилдан ҳам ютқазмайди.

Денов туманидаги "Хайробод" пахта тозалаш заводида уруғлик чигит тайёрлаш цехи фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда Испания технологияси ёрдамида уруғлик чигит туксизлантирилиб, бир пайтнинг ўзида кимёвий усулда дориланмоқда. Муҳими, бундай уруғдан униб чиққан ғўза касалликларга чалинмайди. Цех жамоаси чигит экиш мавсумига қадар 1500 тонна сифатли уруғ тайёрлашни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: цех ишчилари Муҳитдин Исматов, Курбонали Бердиев ва Бахриддин Оқбоев уруғлик чигит сифати хусусида суҳбатлашмоқда; иш жараёнидан лавҳа.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси олдидан

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўрилмоқда. Сенат қўмиталари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун юқори палатага юборилган бир қанча қонунларни кўриб чиқмоқда. Хусусан, ялпи мажлис кун тартибига "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунни ҳам киритиш режалаштирилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги Қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатда ижтимоий ҳаёт талаблари қай даражада мувофиқлаштирилган? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр ИМИНОВга мурожаат қилдик.

Автоматлаштирилган банк тизими:

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

— Ушбу Қонун 12 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади банкларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда автоматлаштирилган банк тизимидаги мавжуд ахборотларнинг йўқотилиши, тўсиқ қўйилиши, ундан нусха олиш ва қалбакилаштириш каби рухсатсиз ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган, — деди Б. Иминов. — Маълумки, автоматлаштирилган банк тизими аҳолининг бўш маблағларини сақлайди ва хўжалик юритувчи субъектларга кафолатланган банк хизматларини кўрсатади. Шунингдек, ушбу тизим масофадан туриб турли банк операцияларининг фойдаланувчига қулай вақтда бажарилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида банкларнинг мижозлар олдидаги жавобгарлигини янада ошириб, уларнинг банк соҳасига ишончини оширади.

Фан ва техника тараққиётининг шиддат билан ўтиб бораётган бугунги кунини компьютер техникалари ва ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон Республикаси банкларида ахборот муҳофазаси тизими эса 1996 йилдан буён, яъни электрон тўловлар тизими жорий этилгандан сўнг Марказий банкнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган бир қатор меъёрий ҳужжатлари асосида амал қилмоқда. Банк технологияларида хизматлар турларини кўпайтириш, ҳисоб-китобларни тезлаштириш, банк мижозлари ва филиаллари билан масофадан туриб ишлаш имкониятини яратишда эса ахборот тизимларининг ўрни беқиёсдир.

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ги ҳамда "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг узвий ва мантиқий давоми бўлиб, унинг амалиётга татбиқ қилиниши юртимизнинг техник жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига киришда қўйилган муҳим қадамдир. Қолаверса, бу ҳужжатнинг маъқулланиши мамлакатимизда электрон ахборотлаштириш технологиялари ҳаётимизга жадал суръатлар билан кириб келаётган бир вақтда жамиятимизнинг электрон ахборотлаштирилишда электрон ахборотдан эркин ва хавфсиз тартибда фойдаланишга, шу билан бирга, интернет бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлган электрон тижорат хизматларидан кенг фойдаланиш борасида янги имкониятлар яратади. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, автоматлаштирилган банк тизимларида ахборот муҳофазаси бўйича сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш электрон бузғунчиларга, яъни "хакерларга" қарши замонавий банк технологияларини яратиш имконини беради.

Шу ўринда яна бир изоҳ. "Автоматлаштирилган банк тизимида ахборот муҳофазаси тўғрисида"ги Қонуннинг меъёрлари республикамизда банклар томонидан автоматлаштирилган банк тизимларини татбиқ этишда бетўхтов, бузилишларсиз ишлаш қобилияти мавжуд бўлган муҳофаза тизимини яратишга қаратилгандир. Шу боис Қонун моддаларида ахборот эгаси ва автоматлаштирилган банк тизими эгаси ўртасидаги муносабатлар муфассал кўрсатиб ўтилган. Хусусан, автоматлаштирилган банк тизими мулкдори (юридик шахс) автоматлаштирилган банк тизими фойдаланувчиси билан ахборот мулкдори ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиради, фойдаланувчининг ахборотдан эркин фойдаланишини (ахборот мулкдорининг рухсати билан) таъминлайди. Қонуннинг 7-моддасига биноан эса, ахборот муҳофазасини ташкил этиш мажбурияти автоматлаштирилган банк тизимининг мулкдори зиммасига юклатилади. Ахборотни муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари, Қонуннинг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан, махфий ёки давлат сирларини ўз ичига олган ахборотларни муҳофаза қилиш тартиби эса 7-модда, бешинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир ривожланган тизим ички ва ташқи таъсир воситаларидан ҳимояланиши лозим. Шундагина ушбу тизимнинг муттасил ишлаб туриши ва барқарор фаолият юритишини таъминлаш мумкин бўлади. Мамлакатимиз банк тизимида ахборотларнинг ҳимояланишини таъминлаш мақсадида Ҳамдўстлик мамлакатларида биринчилардан бўлиб хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш бўлимлари ташкил этилди. Яна бир жиҳати, республикамиз банкларида автоматлаштирилган банк тизимининг бир неча йиллардан бери амал қилиб келишини ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, ушбу Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши молиявий харажатларни келтириб чиқармайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш учун ҳам зарурат йўқдир. Фақат мазкур ҳужжат кучга киргандан сўнг унинг ижросини таъминлаш ҳамда электрон тўловларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида айрим қонуности ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш талаб қилинади.

Зиёда АШУРОВА тайёрлади.

Турмуш чорраҳаларида

Оила — қутлуғ даргоҳ. Шу боис оилавий муносабатларга энг нозик масала сифатида ёндашилади. Ҳар оиланинг ўзига хос фалсафаси, ички сири, қонунияти, тутуми, йўриғи бор. Шукурки, юртимизда ибратли оилалар бисёр. Юлдузи юлдузига тўғри келган йигит-қизлар аҳил-иноқ яшаётганини кўриб, ҳавасингиз келади. Қудаандаларнинг бир-бирига меҳрибонлигидан завқланасиз. Бироқ ...

МУЛК МОЖАРОСИ

у аранг уч йил деганда ечим топди

2001 йилнинг 11 августи эди. Чирчиқ шаҳрида яшовчи Нилуфар Валиева ва Ҳасан Усмоновлар аҳду паймон қилиб, оила қурадилар. Афсуски, уларнинг орзуси саробга айланади. Ўртадан оламушук ўтади. Оиланинг аччиқ-чучугини татиб улгурмаган ёшлар судга ариза берадилар. Кейин суд қарорига кўра ажралишади.

— Қудалар аслида бегона эмасди, — дейди келиннинг отаси F. Валиев ачиниш ила. — Бундан ташқари, улар олий маълумотли оқ-қорани таниган инсонлар сирасидан. Аёл қудамиз халқ таълими тизимида услубиятчи-педагог. Оила бошлиғи эса ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳозирги кунда пенсияга чиққан. Шунингдек, куёвимизнинг Чирчиқ олий ҳарбий танк билим юртида таҳсил олган, ҳарбий интизомга кўниккан, қатъиятли зобит эканлигига умид боғлаган эдим.

Начора, қизимизга қўшгани билан қуша қариш насиб этмади. Оила бузилди. Никоҳ бекор қилинди. Куёв томон қизимизнинг буюмларини келишув йўли билан қайтариб берса ёки очиқчасига уларга қолдиришимизни сўраса, олам гулистон эди. «Қизимизнинг пешонасига ёзилгани шу экан-да, бош-кўзидан садақа» дея тақдирга тан берардик. Аммо қудалар буни хоҳлашмади. Иззат-нафсимизга тегишди. Оила аъзоларимиз ва қизимиз шаънига ҳар хил туҳматлар ёғдира бошлашди. Гап-сўзларнинг ёлғон эканлигини исботлаш, ошкор этиш ва яшириб қўйилган мулкни ундириш, шу билан бирга, адолатни тиклаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилдик.

Мазкур аризага асосан, Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари томонидан қуда бўлмиш Усмоновлар хонадонида сақланаётган молмулк 2002 йил 19 февралда рўйхатланади. Уй бекаси М. Усмонова мулк сақланиши, йўқолса ёки бузилса, жавоб бериши ҳақида суд ижрочилари томонидан огоҳлантирилади. Лекин қайнона аксини қилади. Келиннинг уйига рухсатсиз кириб, сандиқ ва қутининг қулфини ўзбошимчалик билан бузади. Рўйхатга киритилмаган, келинга тегишли мулкни ва рўйхатга киритилиб, суд ижрочилари томонидан банд солинган 40 та предметдан иборат бисотни яширади.

— Биз низони келишув йўли билан ҳал этиш мақсадида яна бир бор қудалар олдидан ўтдик, — дея сўзида давом этади F. Валиев. — Шундан кейин Усмоновлар мулкни икки-уч кун ичида қайтариш ҳақида тилхат ёзиб беришди. Бироқ ваъда бажарилмади. Чорасиз қолгач, мол-мулкни ва етказилган зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига қайта мурожаат қилдик. Шу-шу, асаббузарликлар бошланди...

Қонунчилигимизда белгиланганидек, ҳар бир шахс ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилади. Ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳам шахснинг ихтиёрида. Шунингдек, у ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томондан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилишга ҳуқуқли. Яъни мулкдор ўз бисотини бошқанинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли. Ана шу оддий ҳақиқатни рўёбга чиқариш баъзида енгил кечмайди. Айниқса, эр-хотин ўртасидаги мулкий низо осонликча ечим топмайди. Хусусан, Валиевага оид иш ҳам шундоқ бўлди. Мулкий даъво юзасидан суднинг турли инстанциялари томонидан қарийб ўнга яқин ҳал қилув қарори ва ажримлари чиқарилади. Қайта-қайта протестлар киритилади. Албатта, суд амалиётида бундай бўлиши табиий ҳол. Лекин ...

Бир ёстиққа бош қўйган ёшларнинг умидлари катта эди. Маҳалла-кўйдагилар, яқинлари уларни тинглаганларида, панд-насиҳат қилиб, йўл-йўриқ кўрсатишганида, балки аҳил яшаб, ували-жували бўлиб кетишармиди? Бироқ ундай бўлмади. Икки ёшнинг турмуши бузилди, кўнгли чилчил синди. Қудалар бир-бирига гўё душманга айланди.

Маълумки, оила бузилгач, келин отасининг уйига сепи билан қайтади. Чунки унга ҳам тегишли мол-мулк бор. Афсуски, юқорида айтилганидек, куёвнинг оиласидагилар келиннинг нарсаларини бергилари келмайди. Зиддият чиқариш мақсадида турли баҳоналар, гап-сўзлар ўйлаб топишади. Суднинг ҳал қилув қарори бўлса-да, ҳатто буюмларини олгани келган келинни «дом»га киритишмайди. Жанжал чиқариш пайида бўладилар. 2002 йил 27 март куни жиноят ишлари бўйича Қибрай тумани суди биносида юз берган воқеа фикримиз далилидир. Шу куни қайнона – Мавлуда Усмонова жаҳлига эрк беради. Кўпчилик олдида келинини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди. Ҳатто уради. Ҳе йўқ, бе йўқ, унинг сочидан судраб, тан жароҳати етказади. Суд ушбу ҳолатга қонуний баҳо берганидан сўнг вазият янада таранглашади. Келиннинг сарполарини қайтариб олиши муаммога айланади. Қиз томон ушбу масалани қонуний йўл — суд орқали ҳал этишни афзал кўради. Фуқаролиқ ишлари бўйича туманлараро Чирчиқ шаҳар судига мол-мулкни ва етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси берадилар. Судья М.Раҳимбоева 2003 йил 20 мартда ушбу ишни кўриб чиқади ва асоссиз равишда даъвони рад этади.

— Ҳайратланарли жойи, судья даъвогарни суд мажлисига чақирмасдан, гувоҳлардан кўргазмалар олмасдан, даъво аризасини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди, — дейди келиннинг ишончли вакили F. Валиев. — Бундан норози бўлиб, вилоят судига апелляция шикояти ёздик.

2003 йилнинг 21 май куни вилоят судининг судлов ҳайъати Р. Исломбеков раислигида апелляция шикоятини иш материаллари билан биргаликда кўради. Чирчиқ туманлараро судининг юқорида айтилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ажрим чиқарилади. Даъвогарнинг жавобгарларга нисбатан молмулкни ва етказилган моддий зарарни ундириш ҳақидаги талабларини қондиради.

Даъвогарлар шундан кейин бироз таскин топадилар ва ажрим ижросини кутадилар. Афсуски, орадан икки-уч ой ўтишига қарамай, ижро таъминланмайди. Даъвогарлар бунинг сабабини билиш учун Чирчиқ шаҳар суди ижрочиларига мурожаат қиладилар. Билишсаки, ижро фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раиси томонидан тўхтатилган экан. Бироқ бу ҳақда даъвогар хабардор қилинмайди. Не ажабки, раис томонидан Чирчиқ шаҳар туманлараро судининг 2003 йил 20 мартдаги ҳал қилув қарори ҳамда вилоят судининг 2003 йил 21 майдаги ажримига нисбатан назорат тартибида протест келтирилгани ҳақидаги маълумот даъвогардан сир тутилади. Устига устак, протест даъвогарлар иштирокисиз кўриб чиқилади. Раёсат мажлиси даъво қаноатлантирилган ажримни бекор қилади. Ишни янгидан кўриш учун Чирчиқ шаҳар судининг бошқа таркибига юборади. Даъвогарларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б.Жамолов келтирган протестда шундай дейилган:

«Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 355-моддасига кўра, иш юзасидан киритилган протестнинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга суд томонидан юборилади. Суд ишни кўриш вақтини тайинлаганида ишда иштирок этувчи шахслар протест юзасидан ёзма тушунтиришларини (эътирозларини) ва қўшимча материалларини судга тақдим қилиш имкониятига эга бўлишларини ҳисобга олади.

Аниқланишича, низо бўйича даъвогарнинг қонуний вакили F.Валиев 2003 йил 27 сентябрь куни вилоят судига ариза топшириб, фуқаролик иши бўйича киритилган протестнинг раёсатда кўрилишида иштирок этишга рухсат сўраган ва бу ариза вилоят суди ходими томонидан қабул қилиб олинган.

Вилоят суди раёсати юқорида қайд этилган қонун талабларига риоя қилмасдан, даъвогар вакилини раёсатда қатнаштирмасдан, унинг қонуний ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўйиб, суд қарорларини бекор қилган».

Ушбу ҳолатга ортиқча изоҳ шартмикин?!

Ўтган йил 15 мартда мулкий низо қонуний ечимини топди. Даъво қаноатлантирилди. Келиннинг мол-мулки ўзига қайтарилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгарлардан моддий зарар ундирилди. Бироқ унгача қанча асаббузарликлар бўлди. Жавобгарлар суд мажлисига келмасдан беписандлик қилишди. Аммо бу каби ҳурматсизлик, совуққонликка суд бепарво қаради. Суд ҳеч бўлмаганда, «эркатой» жавобгарларга танбеҳ беришни ҳам раво кўрмади. Бундан, табиийки, даъвогарлар жабр кўрди. Салкам уч йил судма-суд, идорама-идора қатнаб, ҳузур-ҳаловатини йўқотди. Бу ҳол шикоятбозлик илдиз отишига олиб келди...

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА: *«Ғумолининг ҳам ини бузилмасин» деб беҳудага айтишмаган. Албатта, оиласи бузилган хонадоннинг ҳаловати йўқолади. Ота-она ўксийди, фарзандлар ўксийди. Қавму қариндош изтиробга ботади. Ўша дамда кўнгли ярим қизининг мол-мулкини қайтара олмай юрган ота-онага осон дейсизми? Мана шундай пайтда уларга далда бериш, кўнгил сўраш инсонийлик эмасми? Хусусан, гулдай қизи хонадонига қайтиб келган Валиевлар ҳам ширин сўзга илҳақ эди. Минг афсуски...*

Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Компьютер мактаби очилди

Бухорода «Ёшлар маркази» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ёшлар учун компьютер графикаси мактаби очилди.

— Маълумки, ҳозирги кунда ёшлар замонавий ахборот коммуникация технологияларини яхши билишлари зарур, — дейди ташкилот раҳбари Жамила Ҳакимова. — Шуни инобатга олган ҳолда ушбу мактабни очдик. Машғулотлар икки гуруҳда олиб борилади.

Мазкур мактабни очишга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатидан олинган грант маблағлари сарфланди.

А. ҚУДРАТОВ, «Туркистон-пресс» мухбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Худои таоло мавжудотлар орасида энг олий неъмат — ҳазрати инсонни яратган. Мустақил жаннатмакон юртимизда ҳамма ислоҳотлар, амалга оширилаётган мақсад ва режалар, энг аввало, инсон учун, унинг манфаати ва барча ҳаётий эҳтиёжларини рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

ГЎЗАЛ ХАЛҚНИНГ ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТЛАРИ

Юртбошимиз Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанадаги маърузасида Юртбошимиз инсон манфаатларига алоҳида урғу бериб, «Шуни айтиш керакки, бошқа кўп ишларимиз қатори, ҳар қайси йилга ном беришга ҳам биз инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлашни ўзимиз учун энг устувор вазифа деб белгилаб оламиз», — дея алоҳида таъкидладилар.

Ҳақиқатан, Аллоҳдан ҳар биримизга инъом этилган ҳаёт яшаш, эзгулик, ҳиммат, саховат, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик, тинчлик, меҳр-оқибатдан баҳраманд бўлиш учун берилган. Инсон жамиятда ўз ўрнини, қадр-қимматини топиб, ақлзаковат билан меҳнат қилиш, ҳаётнинг олий қадриятларини юксалтиришга интилиб яшайди. Комиллик ва камолотга етишишни, ижтимоий ҳаётда яратилган шароит ва имкониятлардан ўз орзу-умид, истак-мақсадларини рўёбга чиқариш, кенг қамровли эҳтиёжларини қондириш, айниқса, фарзандлар сиҳат-саломатлиги, жисмоний бақувват, руҳан тетик, маънан ва ахлоқан етуклигига эришиш учун меҳнат қилади. Виждон амри билан яшаш, поклик, юртпарварлик, хайрихоҳлик, инсонийлик, олийҳимматлик, гўзаллик ва етукликка эришиш учун курашади. Маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек, «бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жинсу тан, ақл ва ахлоқдир».

Ҳаёт — тенги йўқ бебаҳо қадрият. Умр эса инсон ихтиёрига берилган катта сармоядир. Ундан унумли, оқилона, ўринли ва гўзалмазмунли фойдаланиш ҳар бир инсонга юкланган бурч, масъулият, иймон ва ирода. Чунки инсон — жамиятнинг энг юксак ва муқаддас қадрияти, унинг куч ва қудрати.

Давлатимиз ҳар бир фуқароси турмуш тарзини яхшилаш, орзу-истакларини, ўз қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларини рўёбга чиқариш учун етарли шароит ва имкониятлар яратиб бермоқда. Ушбу мақсадларни янги босқичга кўтаришнинг амалий ифодаси сифатида 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланди. Ҳомийлик мустақиллик тамойилларига хос ва мос умуминсоний ва миллий қадриятларни ифодаловчи фазилатдир. Бу хислат (сифат) инсонлар қалбидан жой олса, жамият фаровонлашиб бораверади. Муҳтожларга, бева-бечораларга, етим-есирларга кўмак ва ёрдам бериш, одамларнинг дардига ҳамдард бўлиш, юрт-элни обод қилиш, хайрли ва савобли ишларга. сахий бўлиш инсонни ҳам юксалтиради. Саховат ва ҳиммат эгизакдир. У одамгарчиликдан далолат беради. Яъни, бу инсон кўнглини обод қилиш, демакдир. В. Кошифий айтадилар: «Гўзал хулқ-атворнинг, яъни хулқ-одобнинг энг муҳим нишонаси яхшилик, инсофли, очиқ юзли, ширин сўзли, узрли, бошқа одам машаққатини ўз устига олиш, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, мулойим бўлишдир». Бу фазилат эгалари элим, юртим деб ёниб яшовчи, ўз манфаатини эл, миллат манфаатидан устун қўймайдиган, савоб ишларни йўлчи юлдуз қилиб олган инсонларга хосдир.

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида «Меҳр-мурувват ҳимматли ва саховатли инсонларга хос фазилатдир», — дейди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу олий ҳимматлилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу хислат — инсон камолоти белгиси, мукаммаллик ҳосилидир. Буюк ислоҳотлар ва янгиланишлар, жамият барқарорлигининг мустаҳкам пойдевори бунёд бўладиган юртда ҳар биримиз эзгулик, яхшилик ва олий ҳимматни ҳаётимиз маъносига, фаолиятимиз мақсадига айлантиришимизни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Бу ҳаёт фалсафасини ҳар биримиз чуқур англаб, ўз бурчимиз ва масъулиятимиз, виждон ва ирода амри деб тушунмоғимиз лозим.

Юртимизнинг ҳар бир фуқароси аждодлар, жамият ва жамоатчилик, айниқса, келажагимиз эгаси ёшлар олдида эзгулик, яхшилик, саховат, яъни савоб ишлар қилишга масъул эканлигини чуқур англаб етмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир. Чунки бу қадриятларимизнинг бир учи ўтмишда, аждодлар меросида бўлса, бир учи келажакдадир. Бизнинг савобли ишларимиз юртимизни файзу баракали, тинч ва осойишта, барқарор бўлишига янада мустаҳкам замин яратади.

Хотима ШАЙХОВА,
профессор.

Илмий-амалий конференция

Тошкент давлат юридик институтида «Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва мазкур институт ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб белгиланиши муносабати билан ушбу соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш масаласи ҳақида сўз юритилди.

Конференцияда профессор О. Оқюловнинг «Ўзбекистон Республикасида ҳомийликни амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий шакллари», қуйи палата депутати М. Абдуллаеванинг «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонун қандай бўлиши керак?», ТДЮИ кафедра мудири М.Усмонованинг «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизими ва уни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, мутахассислар ҳамда талабалар иштирок этган анжуманда ҳомийлик тушунчаси, унинг асл моҳиятини кенг тарғиб қилиш зарурлиги бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Д. САЛИМОВ.

«Биз сиз билан»

Ўқувчи-ёшларнинг қаровчиси йўқ, ўзгалар кўмагига муҳтож кексаларни йўқлаб, улар яшаётган хонадонларга бориши, уй-рўзғор юмушларига ёрдамлашиши мадор кетган белларга қувват, хира тортган кўзларга нур бўлмоқда.

Жалолқудуқ туманидаги 15-умумтаълим мактаби ёшлари маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда «Биз сиз билан» ҳаракатини бошладилар. Мақсад нуроний отахон ва онахонларнинг холидан доимий хабардор бўлиб бориш, оғирини енгил қилишдир.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. 15-мактаб ёшлари бошлаган бу ибрат туман бўйича оммалашиб кетди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

7-Ўзбек Халқаро кўргазмаси
ҚУРИЛИШ
1-4 МАРТ 2006
Тошкент, Ўзбекистон, «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»
UzBuild



Қурилиш жиҳозлари
Керамика ва безак тоши
Қурилиш асбоб-ускуналари
Интерьер
Ойна ва эшиклар
Сауналар, ҳаммом, бассейнлар
Иситиш ва ҳаво алмаштириш воситалари
Поллар
Сантехника
Ёритиш воситалари

Ташкилотчилар:
ITE UZBEKISTAN
ITE GROUP PLC
ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20.
Тел.:+(998 71) 113 01 80.
Факс: +(998 71) 151 21 64.
E-mail: build@ite-uzbekistan.uz
Web: www.uzbuild.uz
www.uzbuild.uz

MTS GSM
UZDUNROBITA first cellular
"MTC - OPEN"
хизмат режаси
АБОНЕНТ ТЎЛОВИ - $30 (ойига)
ТАРМОҚ ИЧИДА ЧИҚУВЧИ АЛОҚА - $0,03 (1 дақиқа учун)
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА - $0,06 (1 дақиқа учун)

БАРЧА КИРУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР БЕПУЛ!!!
Доимий тараққиётга қўшилинг!
Энди «Уздунробита» GSM абонентлари ва «МТС»нинг (Самара, Оренбург, Саратов, Ульяновск, Свердловск, Курган, Тюмень, Пермь, Челябинск, Нижегород, Киров областлари ва Удмурт республикаси) абонентлари ўртасида MMS хабарлар билан алмашув хизмати ишламоқда.
Тўловлар сўмда ЎзРМБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

Азиз ҳамюртлар !
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ПАХТАБАНК»И
сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган
«НАВБАҲОР»
муддатли омонатини таклиф қилади.
Ушбу омонатнинг сақлаш муддати 3 (уч) ой бўлиб, йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади.
Бошланғич бадал миқдори — 100 000 сўм.
Ҳисобланган фоизлар омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг омонатнинг асосий суммаси билан бирга тўланади.
Шошилинг, омонатга маблағлар жорий йилнинг 31 мартигача қабул қилинади!
Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
Омонатингизни ишончли асраймиз ва кўпайтирамиз.
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Маълумки, Марказий Осиё халқларининг қадимий бой маданияти ва илм-фан тараққиётининг ўзига хос анъаналари, шу жумладан, ўзбек давлатчилиги тарихини намуна сифатида ёрқин акс эттирган Хоразм воҳаси қарийб уч минг йил мобайнида ривожланган мамлакат бўлган. Таъкидлаш жоизки, ўша йиллари серқирра мероси билан дунёга донг таратган Миср, Ироқ, Бобил, Эрон, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рум мамлакатлари қаторидан ҳақли равишда Хоразм ҳам жой олган.

Қадимшунос С.Толстов "Қадимги Хоразм маданиятини излаб" номли асарида ёзганидек, "қадимги Хоразм фанининг Шарқ фани тарихидаги ўрни жуда муҳимдир. Биз Хоразмнинг исломга қадар бўлган, яъни антик ва африғийлар ҳукмронлиги даврини жуда оз биламиз. Аммо моддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама текширгач, айта оламизки, Хоразмда аниқ фанлар ўша даврлардаёқ юксак даражада тараққий этган".

ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ИЛМ ДАРГОҲИ

...**995** йили Гурганч амири Маъмун I ибн Муҳаммад ибн Ироқ Африғийлар сулоласига барҳам берди ва пойтахтини Гурганчга кўчириб, ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилади. Сулола алмашиниши сиёсий барқарорликка бироз путур етказгани туфайли баъзи олимлар, жумладан, Беруний Хоразмни тарк этишга мажбур бўлган, бироқ 998 йили Маъмун I вафот этиб, Али ибн Маъмун тахтга ўтирганидан кейин сиёсий аҳвол барқарорлашди.

Али ибн Маъмуннинг тоғаси Абу Наср ибн Ироқ ўша даврнинг ўта билимдон олими бўлиб, "ўз даврининг Птолемейи" деган таърифга сазовор бўлганди. У Берунийни ўз хонадонида тарбиялаган. Ана шу икки сиймо туфайли Маъмун саройида илм аҳли учун идеал шароит яратилди. Уларнинг таклифи билан 1004 йилдан бошлаб Нишопур, Балх ва Бухородан, ҳатто араб Ироқидан ҳам олимлар Гурганчга кела бошладилар. Шу тариқа Гурганчда "Дорул ҳикма ва маориф" — Хоразм Маъмун академияси номини олган илмий муассаса тўла шаклланади.

Унда худди Бағдоддаги "Байт ул - ҳикма"даги каби илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилади. Беруний келтирган маълумотларга кўра, сурён ва юнон тилларидан баъзи таржималар ҳам бажарилган. Али ибн Маъмун вафотидан кейин (1009) укаси Абул Аббос Маъмун II Хоразмшоҳлар тахтини эгаллайди. У Берунийни ўзига энг яқин маслаҳатчи қилиб олади. Демак, Маъмун академияси фаолияти учун янада каттароқ имкониятлар яратилади.

Мазкур академия алломалари математика, биология, химия, физика, адабиёт, тил, тарих ва бошқа фанларни чуқур тадқиқ қилиб, Хоразм замини бойликлари, маданий экинлар турлари ва халқ турмуш тарзини ифодаловчи кўпгина маълумотлар қолдирганлар. Улар бу ўлканинг узумзорлари, боғ-роғлари кўплиги, бой шаҳар-қишлоқлардан таркиб топгани, халқи билимли, маданиятли эканлиги ҳақида ёзишади. Масалан, Абу Мансур ас-Саолибий Хоразмдан қўйлар, мўйна, ажойиб ёйлар, тузланган балиқлар Буюк Ипак йўли орқали узоқ юртларга олиб кетилишини баён қилган.

Академияда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Мискавайх, Абул Хайр Ҳаммор, Абу Мансур ас-Саолибийдек забардаст олимлар ижод қилганлар. Улар турли фан соҳалари билан шуғулланиб, келажакда уларнинг жаҳон миқёсидаги ривожига замин яратганлар. Чунончи, Абу Муҳаммад ибн Хидр ал-Хўжандий биринчи бўлиб ер, осмон ораликларидаги масофаларни ўлчаш қуроли – секстантни яратган. "Хўжандий секстанти" номи билан машҳур бўлган бу асбоб Самарқанд расадхонасининг асосий ускунаси бўлиб, ёритгичлар координатларини юқори аниқлик билан ўлчаш имконини берган. Берунийга устозлик қилган Абу Наср ибн Ироқ (Аррақ)ни Умар Хайём "математика билан шуғулланганлар ичида энг улуғи", деган эди.

Орадан 15 йилча ўтиб, 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавийлар салтанати томонидан Хоразмнинг босиб олиниши оқибатида Маъмун академияси ўз фаолиятини тўхтатса-да, бироқ бу илм масканида дунё фанлари ривожи учун ўртага қўйилган илмий ғоялар, муаммолар атрофида мунозаралар, баҳслар давом этди ва ривожлантирилди. Кейинчалик Хоразмдан етишиб чиққан Замахшарий, Сулаймон Боқирғоний, Чағминий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд каби пири устозлар ҳам шу академиянинг бевосита давомчилари эди.

Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналарида инсоният тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан халқимиз ҳамиша фахрланишини ғурур билан таъкидлади.

Президентимиз Фармонига асосан, 1997 йилда Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академияси қайта ташкил этилди. Ўтган йиллар мобайнида, жумладан, профессор С.Рўзимбоев раҳбарлик қилаётган ўзбек тили ва адабиёти бўлимида IX-XIII асрларда Хоразмда яшаб ижод қилган шоир ва адибларнинг нашр этилган ва қўлёзма ҳолидаги асарлари, шунингдек, лисоний ёдномалари ўрганилди. Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва бошқа буюк мутафаккир шоирларнинг ижоди илмий жиҳатдан таҳлил этилди.

Таниқли тарихчи А.Абдурасулов раҳбарлигида "Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни" мавзуси чуқур тадқиқ қилинмоқда. Ўтган йилнинг ёзида Питнак, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Янгибозор, Гурлан, Манғит, Қипчоқ, Нукус, Хўжайли, Қўнғирот каби туман ва шаҳарларга илмий экспедициялар уюштирилиб, аҳолининг этник таркиби аниқланди, маданий ва тарихий ёдгорликлари ёзиб олинди.

Шунингдек, "Ўзбек давлатчилиги тарихида Хива хонлигининг ўрни", "Хива хонлигидаги туркманлар", "Хива хонлиги мустамлака остида", "Каталоглар" (рангли расмлар асосида), Абу Райҳон Берунийнинг "Тафҳим" асари, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг илмий мероси монографиялари нашр қилиниши арафасида. Бундан ташқари, Хоразм тарихи билан боғлиқ қўлёзма манбаларини излаб топиш, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган воҳа тарихига оид қўлёзма манбаларидан нусха-кўчирмалар олиб келиниши ҳамда хорижий давлатлар билан илмий алоқаларни кучайтириш каби илмий-ташкилий фаолиятлар режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, академиянинг тикланиши мамлакатимиздаги мавжуд илмий салоҳиятни янада юксалтириш, илм-фан билан машғул олимлар сафини кенгайтириш, юксак маданият ҳамда маънавиятли жамият қуришдек улкан мақсадларга хизмат қилади.

Зеро, Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон илм-фани, тараққиётида тутган ўрни, унинг халқаро миқёсдаги юксак ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти ҳеч қачон сўнмайди.

Карим НОРМАТОВ,
ЎзР ФА Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлими мудири, тарих фанлари доктори.
Абдураҳмон ХОЛМУРОДОВ, институт катта илмий ходими.

ЯНГИ КИНО

«Гўзаллик сири»

Ўзбек киночилигининг мазмун-мундарижаси янги ғоялар билан тобора бойиб бораётир. Айни кунларда суратга олинаётган "Гўзаллик сири" бадиий фильми ҳам долзарб мавзуни ўз ичига олганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва режиссёр Жамила Пўлатова сценарийси асосида яратилаётган мазкур фильмда ўзбек аёлларининг ҳаёти, орзу-интилишлари ва имкониятлари ҳақида сўз боради. Хусусан, ўзбек қизи Лайлонинг турмуши, ички кечинмалари ва эришган муваффақиятлари замирида юртимизда аёлларга бўлган эътибор мавзуси ҳаётий мисолларда ёритиб берилади. "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Аёллар Кенгаши ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳамкорлиги фильмнинг янада муваффақиятли чиқишида муҳим омил бўлди.

Фильм премьераси Наврўз байрами арафасида ўтказишлиши режалаштирилган.

Анвар САМАДОВ.

Спорт

Медаллар кучлиларга насиб этмоқда

Италиянинг Турин шаҳрида XX қишки Олимпиада мусобақалари ўз ғолибларини аниқлашда давом этмоқда.

Кеча қишки Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган энг қизиқарли ўйинлардан бири — эркаклар жамоалари ўртасидаги хоккей баҳсларига ҳам старт берилди. Унда 12 та кучли жамоа иштирок этаяпти.

Норасмий жамоа баҳсларида ҳозирча АҚШ спортчилари бешта олтин ва иккита кумуш медаллари билан пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи ўринда бораётган россияликлар ҳисобида тўртта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медали бор. Учинчи ўринни банд этиб турган Германия жамоаси тўртта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритган. Швеция, Норвегия, Нидерландия, Канада ва Корея давлатлари спортчилари ҳам кучли саккизликдан жой олишган.

Замира қитъада тенгсиз

Таиланднинг Патайя шаҳридаги ёпиқ спорт мажмуаларида енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Қитъанинг 20 дан ортиқ мамлакатлари вакиллари ичида олти нафар енгил атлетикачимиз Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. 800 метрга югуриш баҳсларида терма жамоамиз аъзоси Замира Амирова маррага биринчи бўлиб етиб келиб, ва «Осиё чемпиони» деган шарафли номга сазовор бўлди. Етти кураш баҳсларида Павел Андреев, баландликка сакраш бўйича эса Светлана Радзевил бронза медалларини қўлга киритишди.

Боксчиларимиз Болгарияда

Кеча Болгарияда бокс бўйича анъанавий "Странджа кубоги" мусобақалари бошланди.

Мураббий Шароф Худойбердиев бошчилигидаги терма жамоамиз ҳам ушбу баҳсларда иштирок этаяпти. Терма жамоамиз таркибидан Фозил Файзиев (48 кг), Комрон Қосимов (51 кг), Орзубек Шойимов (54 кг), Баҳодир Султонов (57 кг), Жаҳонгир Сувонқулов (60 кг), Дилшод Маҳмудов (66 кг), Алибек Крабаев (69 кг), Шерзод Абдураҳмонов (75 кг), Дилшод Обиджонов (81 кг) ва Жасур Матчонов (91 кг)лар жой олишган.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Болалар дона сурганда...

Нукус тумани халқ таълими бўлими ҳузурида шахмат клуби таъсис этилди. Унга Рустам Қосимжоновнинг изидан боришни орзу қилган кўплаб жажжи ўғил-қизлар аъзо бўлмоқдалар. Бу клубга тажрибали мураббий Давлетбой Узоқов раҳбарлик қилмоқда.

— «Ақл гимнастикаси» болалар спортининг муҳим бўлаги ҳисобланади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Бегимбой Қайпанов. — Ҳозирнинг ўзида тумандаги 1- ва 20- ўрта мактабларда шахмат мусобақалари компьютерлар воситасида уюштирилмоқда.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ

йўналиши бўйича ҳаракатланадиган тезюрар «REGISTON» электрпоезди 2006 йил 1 февралдан бошлаб ҳар куни қатнашини маълум қилади.

«REGISTON» электрпоездининг ҳаракатланиш жадвали	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№ 02 Тошкент — Самарқанд	07.00	10.50
№ 01 Самарқанд — Тошкент	17.00	20.50

Хизматлар лицензияланган.

Қўшимча маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: Тошкентда — 199-76-27; Самарқандда — (8-3662) 29-15-32, 22-11-12.

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ маъмурияти.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шарти билан ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Гулистон шаҳрида педагогика (спорт) йўналиши бўйича 360/50 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.
   Бошланғич нархи — 968,5 млн. сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 240 кун.
2. Мирзаобод туманининг Оқолтин қўрғонида 360 ўринли қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши.
   Бошланғич нархи — 968,5 млн. сўм. Қурилишни тугаллаш муддати — 240 кун.
3. Гулистон туманининг Янги ҳаёт қишлоғида ҚВП қурилиши.
   Бошланғич нархи — 72,109 млн. сўм. Куриш муддати — 85 кун.
4. Боёвут туманининг Олмали қишлоғида ҚВП биносини реконструкция қилиш.
   Бошланғич нархи — 35,820 млн. сўм. Куриш муддати — 85 кун.
5. Мирзаобод туманининг Ойдин қишлоғида ҚВП биносини реконструкция қилиш.
   Бошланғич нархи — 36,883 млн. сўм. Куриш муддати — 85 кун.
6. Ховос туманининг Қаҳрамон қўрғонида ҚВП биносини реконструкция қилиш.
   Бошланғич нархи — 34,102 млн. сўм. Куриш муддати — 85 кун.
7. Ховос туманининг «Карвонсарой» маҳалласида ҚВП биносини реконструкция қилиш.
   Бошланғич нархи — 40,424 млн. сўм. Куриш муддати — 85 кун.

Объектлар марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи манзили: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон: 27-63-86.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар танлов савдоси предметининг 20% миқдорида ҳисоб рақамларида айланма маблағлар бўлиши, агар бўлмаса, шу миқдорда банкдан кредит бериш кафолатномаси, қурилиш ишларини бажариш учун зарур материал, техника ва ишчи ресурсларига эга бўлишлари, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, шартнома тузиш, муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлиши, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан эълон чоп этилгач, 15 кун мобайнида савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади ва унинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 15 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

эгаллаган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Юқумли касалликлар кафедраси — *ассистент.*
2. Тери таносил касалликлари кафедраси — *ассистент.*
3. Инновацион технологиялар ва молия менежменти кафедраси — *мудир, ассистент.*
4. Ички касалликлар ва телемедицина кафедраси — *ассистент.*
5. Офтальмология кафедраси — *ассистент.*
6. Анестезиология ва реаниматология кафедраси — *2 та ассистент.*
7. Эпидемиология кафедраси — *доцент, ассистент.*
8. 2-акушерлик ва гинекология кафедраси — *доцент, ассистент.*
9. Болалик даври анестезиология ва реаниматология кафедраси — *ассистент.*
10. Микробиология кафедраси — *доцент, ассистент.*
11. Кардиология ва функционал диагностика кафедраси — *ассистент.*
12. Педиатрия ва функционал диагностика кафедраси — *ассистент.*
13. Физиотерапия ва тиббий реабилитация кафедраси — *2 та ассистент.*
14. Болалик даври асаб касалликлари кафедраси — *ассистент.*
15. Нейрореабилитация ва Шарқ тиббиёти кафедраси — *доцент.*
16. Умумий амалиёт врачлари кафедраси — *ассистент.*
17. Неонатология кафедраси — *мудир.*
18. Оториноларингология кафедраси — *доцент.*
19. Урология ва нефрология кафедраси — *доцент, ассистент.*
20. 2-стоматология кафедраси — *доцент.*
21. Акушерлик-гинекология ва перинатал медицина кафедраси — *ассистент.*
22. Рентгенология кафедраси — *доцент.*
23. Фармакотерапия ва гастроэнтерология кафедраси — *доцент.*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Паркент» кўчаси, 51-уй. Телефон: 68-27-54.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ сотади:

ЯШЗ Волтайр Уралшина

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОГИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Телефонлар: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

ROSAVA АККУМУЛЯТОРЛАР WESTA

Россия, Курск шаҳри — Украина, Днепропетровск

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Дангара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Навоий вилояти ФВБ бошлиғи, майор Ҳамза Эргашевга падари бузруквори

ОМОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Гидрометеорологик жараёнларга таъсир этиш ҳарбийлашган бошқармаси Косонсой ҳарбийлашган хизматининг бошлиғи Ривожиддин Сирочевга онаси

Мўътабархон ая
РИЗАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Б. Гофуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 21.00 Топширилди – 21.20 12345